

ISSN : 2746-8402

ROAD



Indexed by:

zenodo

INTERNATIONAL VIRTUAL CONFERENCE ON

# LANGUAGE AND LITERATURE PROCEEDING

**Publisher:** Malang, Politeknik Negeri Malang  
**Medium:** Online  
**Country:** Indonesia



## **Editorial Team**

**Dr. Oro Cabanas**

Available at <http://ivicollpolinema.com/index.php/II>

The scope of the journal includes but is not limited to

- Proto-Germanic to Old English
- Middle English
- Early Modern English
- Spread of Modern English
- Pluricentric English
- English as a global language
- Phonology
- Grammar
- Vocabulary
- Writing system
- Dialects, accents, and varieties

International Virtual Conference on Language and Literature Proceeding.

Conference form: correspondence Internet conference.

**Working languages: Indonesian, Russian, Uzbek, and English.**

Indexed Google scholar, Zenodo

**Indonesia 2022**

©Collective of authors

---

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5926972>

**АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ “ШАЙТОННИНГ ТАНГРИГА ИСЁНИ”  
АСАРИДА НОРЕАЛ ДУНЁ МАНЗАРАЛАРИ**

**Н.Р.ҚУРБОНОВА**

БухДУ, англиз адабиёти ва стилистика  
кафедраси доценти

**DOI: 10.5281/zenodo.6326047**

*Abstract: In the following article the description of unreal world in the tragedy A.Fitrat “Insurrection of Satan against God” is studied. Opinions of scientists on the work and the real idea of the work are given.*

*Аннотация: Ушбу мақола А.Фитратнинг “Шайтоннинг тангрига исёни” шеърый трагедиясида акс эттирилган нореал дунё манзаралари ҳақида сўз боради. Бир қатор олимларнинг асар тўғрисидаги фикрлари келтирилган ва асарнинг асл зояси кўрсатиб ўтилган.*

*Аннотация: Данная статья рассматривает вопрос о картине нереального мира отраженного в поэтической трагедии А.Фитрата “Шайтоннинг тангрига исёни” (“Восстание сатаны против Бога”). А так же приводятся мнения ряда ученых о данном произведении и дана истинная идея трагедии.*

*Key words: place, satan, Almighty, divine book, religious mythology*

*Таянч сўзлар: макон, Яратган, шайтон, тангри, илоҳий китоб, диний мифология .*

*Ключевые слова: пространство, Всевышний, сатана, божественная книга, религиозная мифология*

Абдурауф Фитратнинг нореал дунё ҳақидаги бир асари борки, унда Инсоният ибтидоидаги илоҳий китоблар орқали бизгача етиб келган воқеалар қаламга олинган. Бу “Шайтоннинг тангрига исёни” шеърый трагедиясидир. Бу асар хронологик жиҳатдан Фитратнинг “Қиёмат” ҳикоясига қарама-қарши туради. Яъни ушбу икки асар сюжетига кўра Одамзоднинг яралганидан бу оламни тарк этгунига қадар кечадиган кечмиши икки кутбида “ҳаракатланади”.

“Шайтоннинг тангрига исёни”да олам яратилмаган (яъни на бирон макон, на бирон замон мавжуд бўлган), Тангрининг ўзи “*йўқликларда яшириниб, адам кайфиятини сураётган*”<sup>11</sup> даврдан аввалги давр, макондан олдинги макон қаламга олинган:

*Кўк йўқ эмиш, ер йўқ эмиш, Қуёш билан юлдуз йўқ,  
Ой йўқ эмиш, замон-да йўқ, кеча билан кундуз йўқ,  
Йўқ бир нарса, йўқ бир кимса, йўқ бир сифат, йўқ бир исм,  
Йўқ бир нисбат, йўқ бир ҳолат, йўқ бир маъно, йўқ бир жисм.  
Бор йўқ эмиш, борлик-да йўқ, мумкин каби имкон йўқ,  
Ҳаво-да йўқ, фазо-да йўқ, малака каби шайтон йўқ.*

Асар муқаддимасида малакларга устоз, улуғвор сарой, ҳашаматли тахтнинг соҳиби, “*ҳикмат кўқларининг нурли ҳулқари*” сифатида гавдаланган Шайтон пьеса сўнгида ўзининг бор кудратидан, фаришталик мақомию мартабасидан мосуво бўлади.

Асарда Одамнинг бирон сўзи, муайян воқеа ёки ҳолатга муносабати, хатти-ҳаракатлари берилмаган. Одатда теваракка таъсир, ташқи муҳитнинг у ёки бу даражада ўзгариши қандайдир сўз, муносабат, амалий воситалар орқасида воқе бўлади. Одам Ато эса деярли ҳеч нарса қилмайди. У шунчаки кўриниш беради, холос. Аммо шу омилнинг ўзиёқ Исрофилнинг сур чалиши, малаклар саждасию шайтоннинг Яратганга қарата шаккокона

<sup>11</sup> Фитрат А. Танланган асарлар. I жилд. – Т.: “Маънавият”, 2000. – 220-231-бетлар. (“Шайтоннинг Тангрига исёни” асаридан келтирилган барча парчалар шу манбадан олинди.)

кичкириғи, бир лахзада бутун оламини зулмат қоплаши, чакмоқ чақиб, борлик ларзага келиши, малакнинг иблис суратига кириши учун кифоя бўлди.

Пьеса сюжетининг даврий жиҳатдан икки катта паллага бўлиниши айнан шу тимсол билан боғлиқ: Одам Ато яратилгунга қадар бўлган замон ва ундан кейинги, яъни бани башар ҳаётининг илк кунлари. Диққатга сазовор яна бир жиҳат шундаки, асарда Одамнинг бўлажак жуфти ҳақида гап-сўз йўқ. Яъни бу пайтда ҳали Момо Ҳаво ҳожасининг қовурғасидан яралмаган. Одам кечмишига боғлиқ бўлган ғавғолар, бевосита унинг ҳаётидаги ағдар-тўнтарлар, суронлар (хусусан, Шайтон васвасасига йўлиқиши, ўз рафиқаси билан Жаннатдан қувилиши) ҳам ҳозирча бошланмаган. Фитрат айни ўша паллани – инсон деб аталмиш мавжудотнинг гуноҳлардан, осийликдан ҳоли гўдаклик чоғини акс эттиришни мақсад қилган. Одам бу асарда нурли бир соя тарзида намоён бўлади. У фақат бир неча сонияга кўринади. Айтмоқчи бўлганимиз аломат парадокс ҳам айнан шундан келиб чиқади. Одам гарчи “соя” эса-да, аммо негадир ҳамма – Нидо ҳам, Шайтон ҳам, Жаброилу Азроилу Микоил каби сарбаланд фаришталар ҳам, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи малаклар ҳам нуқул у ҳақда сўйлайдилар, у ҳақда ўйлайдилар. Иблиснинг Яратганга исёни ҳам айнан Одам туфайли аланга олади. Демак, Одам асарда кам кўринишига қарамасдан, у асар сюжетини ҳаракатга келтирган, конфликтнинг иккинчи учиди турган асосий қахрамондир.

“Шайтоннинг тангрига исёни” пьесаси ва умуман, Фитратнинг диний сюжетга асосланган асарлари талқинида қизиқ бир ҳолатни кўриш мумкин. Адибнинг муҳолифлари уларни “совет воқелигининг ойнаси”, аниқроғи, рамзлар орқали шу тузум қораланган, деб талқин қилишган. Диний мавзуга эса шунчаки либос сифатида қарашган. Чунончи, Ҳамид Олимжон “Фитратнинг адабий ижоди ҳақида” деган мақоласида қуйидаги фикрларни уқтирган: *“Қиёмат” ва “Шайтоннинг Тангрига исёни” асарларининг ёзилишида миллатчи ёзувчининг совет воқелигига бўлган душман муносабатининг ҳам роли бор...*”; *“У бу икки асарга ҳам ўз қарашларини, ўз таважжух ва нафратларини, мавжуд социал турмушга нисбатан ўз муносабатини киргизади. Хурофотга қарши чиққан, ундан кулган Фитрат совет воқелигини ундан қаттиғроқ чимчилаб, ачитиб ўтади”*.<sup>12</sup> Баъзи тадқиқотчиларга кўра эса Фитратнинг диний мифология асосида битганлари атеистик мавзудаги асарлардир. Адабиётшунос олимлардан Г.Райимова ва Б.Дўскораевлар “Фитратнинг диний мавзудаги асарлари” номли сарлавҳаси айнан бир хил, аммо бошқа-бошқа икки мақолада<sup>13</sup> шундай дейилади. Чунончи, Г.Райимова Фитрат пьесаси ҳақида *“Диний афсона шоир истеъдоди туфайли чуқур социал-ғоявий мазмун кашф этган драматик асар сифатида майдонга келди... кўз ўнгимизда ўзи турган чирик заминда юқори кўтарилган, ўзи сизиниб келган эътиқоднинг ярамаслигини англаб етолган, ундан воз кеча олган ва буларнинг барчасига қарши бош кўтарган ва бошқаларни ҳам ундаган исёнкор образ намоён бўлади”*<sup>14</sup> деб ёзади. Хуллас, бу хилма-хилликнинг сабаби ўша асарларда бадий матннинг ғоят серқатламлиги, бадий ниятга олиб боровчи “йўл”ларнинг лабиринтнамо чалкаштириб ташланганлигидан ташқари бевосита тарихий муҳит билан изоҳланади, деб ҳисоблаймиз. Миллий ва диний кадриятлар, ўзгача нуқтаи назарга эга бўлган ҳар қандай инсон шафқатсиз маҳв этилаётган бир шароитда Фитрат ўз ғояларини диний пардага ўрашга мажбур бўлган эди. Ҳатто шундай ўраб ташладики, бу асарлар муаллифни қоралаш учун ҳам, оклаш учун ҳам асос бўлиб қолди. Михаил Бахтин шу каби ҳолларни назарда тутиб, қуйидаги фикрларни уқтирган эди: *“Маъно билан боғлиқ ҳодисалар яширин тарзда, имконият ҳолида мавжуд*

<sup>12</sup> Олимжон Ҳ. Мукамал асарлар тўплами. Ўн томлик. – Тошкент: Фан, 1982. – 4-т.

<sup>13</sup> Райимова Г. Фитратнинг диний мавзудаги асарлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1990. – 1-сон.; Дўскораев Б. Фитратнинг диний мавзудаги асарлари // Миллий уйғониш. – Т.: Университет, 1993.

*бўлиши ва кейинги даврларнинг улар юзага чиқиши учун қулай имконият яраладиган маънавий-маданий контекстида ўзлигини намоён қилиши мумкин”.*

Муболағасиз айтиш мумкинки, “Шайтоннинг тангрига исёни” пьесаси миллий адабиётимизни жаҳон адабиёти даражасига кўтара олган асарлардан биридир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Фитрат А. Танланган асарлар. I жилд. – Т.: “Маънавият”, 2000. – 220-231-бетлар. (“Шайтоннинг Тангрига исёни” асаридан келтирилган барча парчалар шу манбадан олинди.)
2. Олимжон Х. Мукамал асарлар тўплами. Ўн томлик. – Тошкент: Фан, 1982. – 4-т.
3. Раимова Г. Фитратнинг диний мавзудаги асарлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1990. – 1-сон.; Дўскораев Б. Фитратнинг диний мавзудаги асарлари // Миллий уйғониш. – Т.: Университет, 1993.
4. Раимова Г. Фитратнинг “Шайтоннинг тангрига исёни” пьесаси ҳақида // Адабий мерос. – 1990. – 3-сон.